



2020 у «21» май

№ Қ-218

«__» _____ 20__ г

**Узун тумани “Гулистон” массиви
худудидан “QUVONDIQ RUSTAMOV”
МСНҲга “Иссиқхона” қуриш учун ер
майdonи ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 13 апрелдаги 05-02/182-сон йиғилиш баёни ва Узун тумани ҳокимининг 2020 йил 27 январдаги 01-05/38-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 13 апрелдаги 05-02/182-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Узун тумани “Гулистон” массиви худудидан “QUVONDIQ RUSTAMOV” МСНҲга “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш” мақсадида “Иссиқхона” қуриш учун туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 119қ-дала контуридаги тупроқ унумдорлиги 47 балл бонитетли 1,1 гектар ер майdonи 10 йил муддатга (вақтинча) фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “QUVONDIQ RUSTAMOV” МСНҲ раҳбари Қ.Рустамовга:
ажратилган ер майdonидан фақат иссиқхона ташкил этиш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;

мақсадсиз фойдаланганда ажратилган ер майdonи туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Узун туман ҳокимлиги (Б.Турсунов) ер майdonи ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботида тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Х.Саматов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов